

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019. I.03.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОНИЁРОВА ЗУҲРАБОНУ АЛИШЕР ҚИЗИ

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИННОВАЦИОН
СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дониёрова Зухрабону Алишер кизи

Саноат корхоналари ривожланишининг инновацион
стратегияларини такомиллаштириш..... 3

Дониёрова Зухрабону Алишер кизи

Совершенствование инновационных стратегий по развитию
промышленных предприятий..... 27

Doniyorova Zukhrabonu Alisher kizi

Improving innovative strategies for the development
of industrial enterprises..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019. 1.03.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОНИЁРОВА ЗУҲРАБОНУ АЛИШЕР ҚИЗИ

**САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИННОВАЦИОН
СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**



Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt1404 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умарова Гузал Гайратовна
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Аллаева Гулчехра Жалгасовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Касимова Фотима Тулқуновна
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Миллий университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc 03/30 12.2019.1.03.05 рақамли илмий кенгашнинг мажлисида 2022 йил 15 июль/сават 11 да бўлиб ўтди. Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-101-32, e-mail: tstu_info@tstu.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0.7 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (99871) 246-46-00.

Диссертация автореферати 2022 йил "9" XI да тарқатилди.
(2022 йил "9" XI даги 53-рақамли реестр баённомаси)




Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


М.С. Саитқамолов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Г.Ж. Аллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнининг тобора кучайиб бориши шароитида, бир томондан юқори технологияларга асосланган инновацион маҳсулотларга бўлган талабнинг ортаётганлиги, иккинчи томондан эса аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатдан таъминлашда, жумладан экологик тоза, хавфсиз ва самарали фармацевтика саноати маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини инновацион асосда ташкил қилиш, барқарор ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланиш негизида таъминлаш лозимлигини кўрсатди. “Саноати ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 85 фоизи янги гоё ва лойиҳаларни қамраб олган инновацион техника, технологиялар ва янги маҳсулотларга тўғри келади”¹. Жаҳон иқтисодиётининг глобал ўзгаришлар оқибатида, айниқса кейинги йилларда юзага келган инкирозли вазиятлар саноат ривожланишининг инновацион стратегияларини таркибан ўзгартириш, улардан фойдаланиш ва ёндашувларни фаоллаштириш заруратини тақозо қилмоқда.

Жаҳонда саноат ишлаб чиқаришини, жумладан фармацевтика соҳасини барқарор ривожлантириш юзасидан дунё миқёсида юз бераётган глобал таркибий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда инновацион тараққиёт стратегияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ишлаб чиқариш ихтисослашувини миллий ва жаҳон глобал ўзгаришларига мувофиқ ташкил қилиш, инновацион ривожланишнинг тармок-худудий салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш, рақамли трансформацияни таъминловчи инновацион моделга ўтишнинг самарали усул ва воситаларини асослаш, глобал қўшилган қиймат занжирини яратишда миллий ишлаб чиқариш манфатларини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш сингари стратегик мақсадни амалга оширишга доир илмий тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасида саноат ишлаб чиқаришини, жумладан сифатли ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини ошириш, фармацевтика тармоғига инновацияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширган ҳолда ички бозорни маҳаллий дори-дармонлар билан таъминлаш, фармацевтика кластерини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш, ...глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар топ-50 мамлакатлари қаторига киритиш”² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни

¹ https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022 - 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/6102462>

бажариш зарурати фармацевтика саноати корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолаш, инновацион лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг ҳар бир босқичи натижалари мониторинги мезонларини ишлаб чиқиш, саноат корхоналарида инновацион фаолият харажатлари таркибини оптималлаштириш, фармацевтика саноати ишлаб чиқаришидаги муҳим тенденциялар асосида тармокнинг истикболдаги ривожланиши бўйича прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш борасидаги илмий изланишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги, 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги, 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон “2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонлари, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ҳамда соҳага оид қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фармацевтика саноатини инновацион ривожланиши стратегияларини ишлаб чиқиш масалари ва унинг баъзи илмий-назарий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатлари Й.Шумпетер, А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сэй³ сингари хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Фармацевтика саноати корхоналарининг инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишнинг техник ва ташкилий муаммолари ечими Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимлари С.Е.Малинина, О.Н.Мельников, Д.С.Алабужев, Н.И.Комков, Н.Стрекер ва Э.Р.Юсупованинг⁴ тадқиқотларида ўз аксини топган.

³ Шумпетер Й. Экономические циклы. – М.: Неон, 1996; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Книга 1-3. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 442 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. – М.: Издательство «Эксмо», 2016. – 234 с.; Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии. Фредерик Бастиа. Экономические софизмы. Экономические гармонии. – М.: Дело, 2000. – 232 с.

⁴ Малинина С.Е. Проблемы оценки экономической эффективности инновационных проектов. // Креативная экономика. – 2014. – № 4. – С. 15-27.; Мельников О.Н., Алабужев Д.С. Обеспечение единства стратегии и тактики инновационно-ориентированного предприятия. // Креативная экономика. – 2015. – Т. 9. – № 1. – С. 77-86.; Комков Н.И. Роль инноваций и технологий в развитии экономики и общества // Проблемы прогнозирования. – 2003. № 3.; Strecker N. Innovation Strategy and Firm Performance. Wiesbaden: Gabler Verlag, 2009. – 242 p.; Юсупова Э.Р. Оценка эффективности стратегии инновационного развития предприятия // Креативная экономика. – 2015. – Т. 9. – № 2. – С. 217-224.

Фармацевтика корхоналари ривожланишининг инновацион стратегияларини таъминлашининг услубий коидалари ҳамда саноат ва унинг тармоқларини замонавий иқтисодий ривожлантиришга мослашувчан инновацион лойиҳаларни амалга ошириш масалалари Ўзбекистонда С.С.Гулямов, Н.М.Махмудов, С.О.Хомидов, М.А.Маҳкамova, Г.Ж.Аллаева, А.М.Қодиров, Г.Ш.Хонкелдиева, М.Л.Турсунходжаев, Д.В.Тростянский, Р.И.Нуримбетов, Ж.Ахмедов, З.Ҳакимов⁵ сингари олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон ва хорижий иқтисодчи олимларнинг бу соҳага доир кўп сонли асарлари мавжудлигига қарамай, саноат корхоналари ривожланишининг инновацион стратегияларини такомиллаштириш масаласи янада чуқур тадқиқ қилишни талаб этмоқда.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170928153 “Корхоналарни инновацион ривожлантириш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналари, хусусан, фармацевтика саноатини ривожлантиришнинг инновацион стратегияларини такомиллаштириш бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат корхоналарида инновацион жараёнларни амалга оширишнинг технологик, ташкилий ва иқтисодий асосларини аниқлаш;

инновацион иқтисодиёт шароитида саноат корхоналари ташкилий-бошқарув жараёнларини инновацион ривожлантириш стратегияларига мослашувчан механизмларни асослаш;

⁵ Гулямов С.С., Очиллов И.С., Ганжходжаев С.О. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши ва барқарор ривожланиш омили. Билимга таянган инновацион иқтисодиёт. – Т., 2016. – 136 б.; Махмудов Н.М. Иқтисодий ўсиш модели ва улардан макроеқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўналишлари. // Экономика и финансы. – 2016. – №3; Махмудов Н.М., Хомидов С.О., Авазов Н.Р. Инвестициялардан самарали фойдаланиш асосида саноат тармоқларини ривожлантириш. – Тошкент, 2021. – 240 б.; Маҳкамova М.А. Инновационная деятельность, оценка и использование объектов интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан // Интеллектуальная собственность: промышленная собственность. – 2002. – №11; Аллаева Г.Ж. Проблемы формирования и развития инновационной энергетики в республике Узбекистан. // Проблемы современной экономики. – 2016. №3; Кадыров А.М. Информационно-инновационное развитие экономики Узбекистана. Академия наук РУз Т.: Иқтисодиёт, 2011; Хонкелдиева Г.Ш. Перспективы инновационного развития предприятий Узбекистана в условиях трансформации цифровой экономики // Бюллетень науки и практики. – 2021. – №12.; Турсунходжаев М.Л. Разработка механизмов реструктуризации промышленных предприятий. – Т.: Фан ва технология, 2012; Тростянский Д.В. Формирование инновационной инфраструктуры в индустриальном комплексе Узбекистана // Вестник УГНТУ. – Экономика. 2014. – №3.; Нуримбетов Р.И. Инновационная деятельность на предприятиях строительных материалов // statmitgor.uz/; Ахмедов Ж. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатида хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун дисс. ... автореф. – Тошкент, 2017. 26 б.; Ҳакимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018 й. – 26 б.

фармацевтика саноатининг ривожланишига инновацион ёндашув шаклланишига таъсир килувчи асосий омилларни аниқлаш;

фармацевтика саноати корхоналари ривожланишининг инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш тартиби ва такомиллаштириш методологиясини ишлаб чиқиш;

фармацевтика саноатига жорий этилаётган илмий-техник инновацияларни иқтисодий баҳолаш усулларини танлаш ва самарали ишлаш шароитларини аниқлаш;

фармацевтика саноати корхоналарини ривожлантириш инновацион стратегияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саноат ишлаб чиқариши, хусусан, фармацевтика саноати корхоналарини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий фаолият танланган.

Тадқиқотнинг предметини саноат ишлаб чиқариши, хусусан фармацевтика саноати корхоналари инновацион ривожлантириш стратегияларини такомиллаштириш бўйича ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида анализ ва синтез, тизимлаштириш, SWOT таҳлил, статистик, корреляцион-регрессион, омилли таҳлил ҳамда тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фармацевтика саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашда инновацион фаолиятнинг салмоқ коэффициентлари (мезонлари): инновацион фаолиятнинг бошқарув харажатлари ($r_1=0,31$), инсон ресурслари ($r_2=0,36$) ва ходимларнинг инновацион компетентлиги ($r_3=0,23$) оптимал даражада бўлиши асосланган;

фармацевтика корхоналарида инновацион лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг энг юқори натижаси (117 балл) ва энг қуйи чегараси (39 балл) шкаласига асосланиб, лойиҳанинг бошланиши ($LB=0,69$), режалаштириш ($R=19,6$), амалга ошириш ($B=3,7$), мониторинг ва назорат ($MN=11,8$), якунлаш ($LY=0,12$) босқичларининг меъёрий коэффициентлари таклиф этилган;

саноат корхоналарида инновацион фаолият харажатлари таркибида инсон ресурсларига қилинадиган харажатлар улушини паст даража (2,9 - 4,6 фоиз), ўрта даража (4,7 - 9,8 фоиз) ҳамда юқори даража (9,9 - 11,6 фоиз) чегараларида баҳолаш таклиф этилган;

ишлаб чиқаришда банд бўлган ресурслар натижадорлигини ошириш негизда “Biotact” масъулияти чекланган жамиятини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фармацевтика саноатида технологик, жараён ва маркетинг стратегияларини жорий этишнинг такомиллаштирилган механизми таклиф этилган;

инновацион циклнинг якуний тижорат босқичида инновацияларни

муваффақиятли қўллаш имконини берувчи “Уч бурама чизикли” моделнинг институционал таркибий қисмлари инновацион фаолиятга инвесторларни жалб этувчи омиллари қўшиш асосида такомиллаштирилган;

фармацевтика саноати корхоналарида инновацион стратегияни танлаш асосида интеграциялашган ресурс таъминот тизимининг “ERP” га асосланган модели ишлаб чиқилган;

фармацевтика корхоналарида инновацион жараёнлар самарадорлигини баҳолашда Кобба-Дуглас моделининг мультипликатив усулидан фойдаланиш таклиф этилган;

фармацевтика саноати корхоналарини ривожлантириш учун инновацион стратегияларни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланувчи ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги; маълумотлар базаси расмий манбалардан олинганлиги; хулосалар, таклифлар ва тавсияларни синовдан ўтказилганлиги; олинган натижалар иқтисодий назарияларга мослиги, ҳамда улар ваколатли вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда тақдим қилинган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалардан саноат корхоналари ривожланишининг инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш механизмини такомиллаштириш, фармацевтика корхоналарининг инновацион ривожланишга мослашувчан стратегик йўналишларини белгилашга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан республика фармацевтика саноати корхоналарининг маҳсулдорлигини таъминлашда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган мақсадли комплекс чора-тадбирлар мажмуини яратишда ҳамда саноат ишлаб чиқаришини инновацион асосда ривожлантириш бўйича ўқув адабиётларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фармацевтика саноати корхоналари ривожланишининг инновацион стратегияларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

фармацевтика саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашда инновацион фаолиятнинг салмоқ коэффициентлари: (К) инновацион фаолиятнинг бошқарув харажатлари ($r_1=0,31$), инсон ресурслари ($r_2=0,36$) ва ходимларнинг инновацион компетентлигини ($r_3=0,23$) акс эттирувчи мезонлар, биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг инновацион ривожланиш стратегияси бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўйича 2022 йил 25 июлда “Порядок и методология

совершенствования инновационных стратегий развития предприятий по производству биологически активных добавок” номли услубий қўлланмада тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 ноябрдаги 08/34271-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 28 октябрдаги 31-8/5971-сон маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий этилиши фармацевтика соҳасида инновацион компетентлик даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиб, жумладан “Biotact” МЧЖда ходимларнинг инновацион компетентлик даражасини 12,6 фоизга оширишга эришилган;

инновацион лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг энг юқори натижаси (117 балл) ҳамда энг қуйи чегараси (39 балл) шкаласига асосланиб, лойиҳани бошланиши (LB=0,69), режалаштириш (R=19,6), амалга ошириш (B=3,7), мониторинг ва назорат (MN=11,8), яқунлаш (LY=0,12) босқичларининг меъёрий коэффицентларини қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўйича 2022 йил 25 июлда “Порядок и методология совершенствования инновационных стратегий развития предприятий по производству биологически активных добавок” номли услубий қўлланмада тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 ноябрдаги 08/34271-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 28 октябрдаги 31-8/5971-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши фармацевтика соҳасида инновацион компетентлик даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиб, жумладан “Biotact” МЧЖда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва жами ишлаб чиқарилган маҳсулотда инновацион маҳсулотларнинг улушини 2020 йилдаги 4,6 фоиздан, 2021 йилда 10,5 фоизга оширишга эришилган;

саноат корхоналарида инновацион фаолият харажатлари таркибида инсон ресурсларига қилинадиган харажатлар улуши (2,9 фоиздан 4,6 фоизгача) паст даража, (4,7 фоиздан 9,8 фоизгача) ўрта даража ҳамда (9,9 фоиздан 11,6 фоизгача) юқори даража чегараларида баҳолаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўйича 2022 йил 25 июлда “Порядок и методология совершенствования инновационных стратегий развития предприятий по производству биологически активных добавок” номли услубий қўлланмада тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 ноябрдаги 08/34271-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 28 октябрдаги 31-8/5971-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши фармацевтика соҳасида инновацион компетентлик даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиб, жумладан “Biotact” МЧЖда

инновацион фаолият харажатлари таркибида интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга ажратиладиган харажатлар миқдорини 3,7 фоиздан 10,5 фоизга ошириш имкони яратилган;

фармацевтика тармоғи таркибидаги “Biotact” МЧЖ корхонасининг 2026 йилгача бўлган даврдаги иктисодий ривожланиш прогноз кўрсаткичлари корхонанинг иктисодий барқарорлигини ошириш ҳамда инновацион стратегиясини такомиллаштиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 ноябрдаги 08/34271-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 28 октябрдаги 31-8/5971-сон маълумотномаси). Натижада “Biotact” МЧЖ фаолиятини инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда асосий кўрсаткич ва параметрларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан 7 та мақола республика ва 5 та мақола хорижий журналларда чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, ҳамда илмий-амалий конференциялари тўпламларида 4 тезис нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети асосланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим қилинган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлили, натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги ёритилган, ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Саноат корхоналарининг ривожланиш стратегиясида инновацион ёндашувни қўллашнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида саноат корхоналарининг ривожланиш стратегиясида инновацион ёндашувни қўллашнинг илмий-назарий жиҳатлари ва методикаси асосланган. Саноат корхоналарини ривожлантиришда инновацион стратегияни шакллантиришга таъсир этувчи асосий омиллар тизимлаштирилган. Саноат корхоналарини ривожлантиришда инновацион ёндашувни қўллаш бўйича хорижий тажрибалардан Ўзбекистон саноат тармоқларида фойдаланиш йўллари аниқланган.

Инновация ва инновацион ривожланишнинг мамлакат, тармоқ ва корхоналарининг бозор мақсадларини амалга оширувчи воситаларидан бири сифатида, бу восита бошқаларига нисбатан бозор ва истеъмолчилар учун янгилиги билан ажралиб туради. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув илмий-техника соҳасини такомиллаштириб, корхона ва унинг тизимлари ривожланишига катта таъсир кўрсатиши натижасида корхоналарда инновацион бошқариш муҳити шаклланди. Мамлакат ва саноат тармоқларнинг инновацион ривожланиши бир нечта қисмлардан иборат: янада такомиллашган янги жараёнлар; янги технологияларни қўллаб собитқадам ривожланиш; ҳамда фойда, рақобатбардошлик ва самарадорликни ошиши бўйича иктисодий кўрсаткичларга эришиш.

Саноат корхоналарининг инновацион ривожланишига бевосита таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар олимлар томонидан тизимлаштирилган. Бироқ тизимлаштирилган омилларнинг инновацион ривожланишга таъсирини ҳар бир саноат корхоналарининг тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб бериш амалиёти кузатилади. Сабаби ҳар бир тармоқнинг инновациялар бозори турлича ва улар ўзаро таъсирчан.

Саноат корхоналари инновацион ривожланиш стратегиясининг шаклланишига доир бир нечта ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни тизимлаштириш асосида тадрижий ва инкилобий ёндашувларга ажратилиши мақсадга мувофиқ. Инновацион ривожланишнинг *тадрижий ёндашуви* қўлланилганда инновациялар махсулотни ишлаб чиқариш, махсулотни ўзи ёки ишлаб чиқариш технологияларни такомиллаштириш доирасида татбиқ этилади.

Инкилобий ёндашуви қўллаш, ўз номидан келиб чиққан ҳолда, аввал фойдаланилмаган янги технологиялар, жараёнлар ва техникаларни татбиқ этишни қамраб олади, бу эса корхона самарадорлиги ва натижавийлиги инкилобий тарзда ошишини белгилайди.

Илмий адабиётларда “инновация” атамаси тавсифига бир нечта ёндашувлар мавжуд. Инновация – бу жамиятнинг маълум соҳасида фаолият жараёни ёки унинг натижаларини такомиллаштиришга қаратилган интеллектуал (илмий-техник) фаолият натижалари. Бироқ бу тушунча мазмунини аниқлашга имкон берувчи қатор умумий жиҳатларини ажратиш мумкин.

Корхоналарнинг инновацион фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси узоқ йўлни босиб ўтди, бу инновацион ривожланишнинг типик моделлари мавжудлигидан далолат беради, хусусан:

– Евро-Атлантика модели. Бу тўлиқ инновацион цикл модели – инновацияни шакллантиришдан тортиб то тармоққа жорий этгунча (Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқалар);

– Шарқий Осиё модели. Ушбу моделда фундаментал ғояларни шакллантириш босқичи мавжуд эмас. Бу инновацион ривожланиш моделини қўлловчи мамлакатлар юқори технологияли махсулотлар экспортига йўналтирилган, аммо «анъанавий» моделдаги мамлакатлардан технологиялар

олиб қўлланилади. Шарқий Осиё (Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Тайвань);

- Муқобил модель. У асосан аграр мамлакатларида (Таиланд, Чили, Иордания, Португалия, Туркия ва бошқалар) қўлланилади. Фундаментал ва амалий фанлар соҳасида деярли ҳеч қандай салоҳият мавжуд эмас. Инновацион сиёсатда, қоида тариқасида, иктисод, молия, менежмент, социология ва меҳнат психологияси соҳаларида кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилади.

- “Уч бурама чизиқли” модель. Ушбу моделнинг хусусияти инновацион маҳсулотни яратишнинг ҳар бир босқичида университетлар, корхоналар ва давлатнинг ҳамкорлигидадир (АҚШ, Европанинг қатор мамлакатлари).

Миллий инновацион тизимнинг асосий институционал секторлари ўртасида узлуксиз ўзаро ҳаракат натижасида янги билимлар яратилади, улар коммуникациялар ёрдамида барча иктисодий агентлар ўртасида тарқатилади, бу эса тизимнинг яхлитлиги ва динамик барқарорлигини таъминлайди. Дунё иктисодиётининг глобал тенденциялари инновацияларни миллий иктисодиётлар ва уларнинг таркибий қисмлари рақобатбардошлиги шаклланишидаги аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Шу сабаб корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман иктисодиётнинг молиявий фаолияти стратегиясида инновацияларни татбиқ этиш билан боғлиқ жараёнларни илмий асосланган ҳолда тушунишни инобатга олиш зарур. Инновацион фаолият жараёнида инновацион ривожланиш стратегияларининг кўп сонли турлари шаклланди. Ҳозирги шароитда корхона фаолияти унинг инновацион ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларга боғлиқ.

Саноат корхоналарининг асосий мақсади бозорда юкори фойда олиши, бозор улушига эга бўлиши ва нуфузга интилиш ҳисобланади. Бу мақсадлар эса корхонанинг инновацион фаолиятини ифодалайди, шунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этади ва уни бозорга мослаб йўналтиради. Корхонанинг барча мақсадлари фақат иктисодий натижаларга йўналтирилганлигини ҳисобга олганда инновацион фаолият ана шу жараёнларни мувофиқлаштирувчи ҳисобланади.


Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, фармацевтика саноати корхоналарининг инновацион фаолиятини баҳолашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва бу жараёнга таъсир этувчи омилларни таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Аниқланган 3 гуруҳ омиллар 1-расмда акс этган.

Фармацевтика корхоналарининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда диссертацияда инновацион фаолиятни баҳолашда қуйидаги кўрсаткичларни асос қилиб олиш тавсия этилган:

1. Инновацион фаолиятни бошқариш (r_1).
2. Инсон ресурслари сифати (r_2).
3. Ходимларнинг инновацион компетентлиги (r_3).

Фармацевтика саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш формуласи қуйидагича тақлиф этилади (1.1):

$$R_0 = r_1 + r_2 + r_3 \quad (1.1)$$



1-расм. Фармацевтика саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини акс эттирувчи мезон ва кўрсаткичлар⁶

Инновацион ривожланишни таъминловчи бошқа омилларни назарда тутмаган ҳолда танланган мезонларнинг ҳар бири саноат корхоналарининг инновацион фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади деган мулоҳаза келтирилади ва салмоқ коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда (1.1) формула қуйидаги тартибда ёзилади (1.2):

$$R_1 = k_1 \times r_1 + k_2 \times r_2 + k_3 \times r_3 \quad (1.2)$$

Бунда, $0 \leq k_n \leq 1$ да бўлиб, уларнинг йиғиндиси бирга тенг (1.3),

$$k_1 + k_2 + \dots + k_n = 1; \quad (1.3)$$

k_n – салмоқ коэффициентлари ҳисобланиб, фармацевтик корхоналарининг инновацион фаолиятини баҳолаш учун танланган омилларнинг қай даражада таъсир кўрсатиши белгилаб олинади.

Салмоқ коэффициентлари ўрганилаётган рақобатбардошлик мезонлари сонига кўра аниқланади (K), бунда:

$$K = kj + ki + ke = 6 + 5 + 4 = 15;$$

$$k_1 = \frac{7}{21} = 0,33; k_2 = \frac{9}{21} = 0,43; k_3 = \frac{5}{21} = 0,24;$$

Иккинчи формулага салмоқ коэффициентларини қўйиб, қуйидагича ёзамиз:

$$R_t = 0,33 \times r_1 + 0,43 \times r_2 + 0,24 \times r_3 \quad (1.4)$$

Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида саноат

⁶ Муаллиф ишланмаси.

корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашда инновацион фаолиятнинг салмок коэффициентлари (мезонлари) инновацион фаолиятнинг бошқарув харажатларига кўра танланган омилларга кўра, $r_1=0,33$ мезонда, инсон ресурслари бўйича танланган омиллар бўйича $r_2=0,39$ мезонда ва ходимларнинг инновацион компетентлиги бўйича танланган омиллар бўйича $r_3=0,28$ мезон даражасида бўлиши талаб этилади.

Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашда инновацион фаолиятнинг салмок коэффициентлари (мезонлари) фармацевтика саноати корхоналарининг барчасида ўзининг ижобий натижасини беради дегани эмас. Бирок таклиф этилаётган инновацион фаолиятнинг бошқарув харажатлари, инсон ресурслари ва ходимларнинг инновацион компетентлигини баҳолашда аниқ меъёрлар ишлаб чиқиш максга мувофиқдир.

“Фармацевтика саноати корхоналари инновацион стратегияларининг хозирги ҳолати таҳлили” номи иккинчи бобда Ўзбекистонга фармацевтика корхоналарининг инновацион фаолияти ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳамда сифат кўрсаткичлари ёритилган. Фармацевтика корхоналарининг инновацион фаолияти таҳлил қилинган ва ривожланиш динамикаси ўрганилган. Фармацевтика корхоналарининг инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фармацевтика саноатининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Сўнгги йилларда бу соҳанинг инновацион ривожланиши, саноатдаги ҳиссаси ва мамлакат тараққиётидаги ўрнини ошириш бўйича 50 дан кўпроқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур қонунчилик тизимининг шаклланганлиги ҳукумат томонидан фармацевтика саноатига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон фармацевтика бозори динамик тарзда ривожланиб бораётган саноат ҳисобланиб, умумий ҳажми 1,4 млрд. доллардан ортиқдир. Бозор ҳажми 2010-2021 йилларда ўртача 11,8 фоиздан кўпроқ миқдорда ошиб, инвестиция лойиҳалари сони ҳам ортмоқда. Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар давомида фармацевтика саноатида 140 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилган.

Охириги 20 йил ичида маҳаллий ўсимлик хомашёси негизида 30 дан ортиқ дори воситалари ва препаратлар яратилиб, уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мамлакат аҳолиси сони ошишини ҳисобга олиб, маҳаллий дори воситалари билан 49,8 фоизга таъминланган кенг ички бозорни ажратиш мумкин. Яна бир фарқли хусусият бошқа мамлакатлардаги нархларга нисбатан маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларининг нархи нисбатан паст бўлиб, бу хорижий рақобатчилар билан курашишга имкон беради.

Ўзбекистонда фармацевтика саноати ривожланишининг қуйидаги айрим хусусиятлари мавжуд:

2021 йил якунига кўра 152 маҳаллий корхона (шундан 42 корхона хорижий улушга эга) 35 фармакотерапевтик гуруҳларига тегишли ва

тиббиётнинг 28 йўналишида фойдаланадиган 2373 номда дори воситаларини ишлаб чиқаради, бу эса бозорнинг 55 фоизли улушини ташкил этади;

8083 дорилардан 5710 тури 70 мамлакатлардан импорт қилинади;

халқаро тиббиёт амалиётида қўлланувчи 350 хил доривор ўсимликларнинг 71 хили республика саноат плантацияларида етиштирилади.

Ўзбекистонда бевосита таъсир кўрсатувчи дори воситаларидан ташқари иммунитетни ошириш, организмнинг бактериостатиклигини кучайтиришда фойдаланувчи кенг ассортиментли биокўшимчалар ва биологик фаол кўшимчалар ишлаб чиқарилади ва экспорт қилинади. Ўзбекистон 2312 номдаги дори воситалари ва тиббий буюмларини 23 мамлакатга экспорт қилмоқда, унинг 2021 йилдаги ҳажми 1590 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, ташқи савдо айланмасининг салдоси – 1567,5 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Фармацевтика саноатининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 2010-2021 йилларда йилига 11 фоиздан ошиш тенденцияси кузатилаётган бўлса-да, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2021 йилда қарийб 1,1 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистонда пандемиядан кейинги даврда дори воситалари истеъмоли кўпайиб, маҳаллий саноат бозорни керакли дорилар билан етарли даражада таъминламай олмаганлиги сабабли экспортга нисбатан импорт ҳажмининг ошиб бориш тенденцияси кузатилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш, экспорти ва импорти⁷


Йиллар	Маҳсулот ишлаб чиқариш	Экспорт	Импорт
	млрд. сўм	млн. АҚШ доллари	млн. АҚШ доллари
2010	174,7	3,9	489,1
2011	278,3	4,6	523
2012	328,7	8,1	686
2013	434,6	7,4	672
2014	516,6	9	870
2015	750,6	8	867
2016	1220,9	4,4	943
2017	1403,1	4,8	812
2018	1612,4	11,4	852
2019	1945,8	9,8	927
2020	2543,5	23,4	1153
2021	4176,4	22,5	1590

Республикада янги препаратлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 8 та илмий-текшириш институти ва марказлар фаолият юритмоқда. Лекин бу соҳада патентлар сони бўйича статистик маълумотлар фақат 2014 йилдан бошлаб қайд қилинмоқда. Республика саноатида фармацевтика саноатининг улуши паст бўлса-да, инновацион фаолият бўйича

⁷ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

автомобилсозлик, кимё ва ахборотлаштириш сохаларидан кейинги, етакчи ўринда турувчи саноат тармоғи ҳисобланади.

2014-2021 йилларда Ўзбекистон фармацевтика саноатида қарийб 3200 дан ортиқ маҳсулот, технологик, жараён ва маркетинг инновациялари амалга оширилган (2-расм). Фармацевтика саноатида 2021 йилда 2014 йилга нисбатан патент ва ихтиролар сони 466 донага ошгани, бу илмий тадқиқот фаолиятидаги ижобий динамикани кўрсатади. Тармоқнинг инновацион фаолияти, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ҳарajatларнинг йиллик ортиши 20-40 % миқдорда бўлган. Бу инновацион фаолликни ошириш бўйича чора-тадбирларни татбиқ этиш ва молиявий ресурсларни чеклаш билан боғлиқ.



2-расм. 2014-2021 йилларда фармацевтика тармоғида патент ва ихтиролар сони, дона⁸

Муаллифнинг фикрича, амалий давлат илмий-техник дастурлари даражасида бу ишлардан манфаатдор тармоқлар ва уларнинг буюртмалари бўйича жиддий молиявий иштирокни таъминлаш керак. Саноат корхоналарида замонавий ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш инновацион фаолият ҳамда унинг салоҳиятини аниқлаш ва баҳолашни талаб этади. Инновацион секторга самарали таъсир кўрсатувчи инфраструктура илғор технологияларни татбиқ этиш ва уларнинг бозорнинг инновацион сектори билан турлича, комплекс ва узок муддатли ўзаро муносабатларига асосланган иқтисодий мослашувини жорий этишда муҳим омил ҳисобланади. Рақобат механизми маълум даражада инновацион жараёнларнинг жадаллигини таъминлайди.

Диссертацияда фармацевтика саноатида инновацион фаолият натижадорлигини баҳолаш ва тегишли хулосалар чиқариш учун «Biotact» МЧЖнинг инновацион фаолияти ўрганилган. «Biotact» МЧЖ Ўзбекистонда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бири ҳисобланади. Корхонада ISO 9001:2015 халқаро стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган сифат менежменти тизими мавжуд. Бугунги кунда компания фармакологик саноатнинг ички бозоридаги

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

йирик компаниялар каторига кирган ва катта ассортиментли махсулот ишлаб чиқармоқда.

Инновацион цикл самарадорлигини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштиришнинг долзарблиги «BIOTACT» МЧЖда амалга ошириладиган инновацион лойиҳаларни кўриб чиқиш, уларга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш ва лойиҳалар самарадорлигини ошириш йўлларини излаш билан бевосита боғлиқ.

Саноат корхоналарининг инновацион стратегиясини такомиллаштириш бўйича самарали тизим яратиш учун корхоналар инновацион фаолиятининг мавжуд ҳолатини аниқлаш; уни фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш; қўтилган натижаларга эришиш учун инновацион фаолият йўналишида мониторинг олиб бориш ва тузатишлар киритиш керак.

Фармацевтика саноатида амалга ошириладиган инновацион лойиҳалар Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигига эришишни назарда тутди. Ҳар бир инновацион лойиҳада бир қатор чекловлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча лойиҳа талабларини қаноатлантириши, мазмун, сифат ва муддатлар, ресурслар ва нархи чекловларига мос келиши керак. Бундай чекловлар инновацион лойиҳаларга доир қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳар бир инновацион лойиҳа маълум бир бошланиш ва тугаш санасига эга ва одатда улар эришилиши керак бўлган мақсадлар, ўлчам ва вақт чегараси, инновацион лойиҳаларни амалга оширувчи жамоанинг тажрибаси, ресурслар қулайлиги, кўникмалар, ташкилотнинг салоҳияти, шунингдек, уларни амалга оширишнинг бир қатор омилларига боғлиқ ҳолда фарқланади.

2-жадвалда ифодаланган кўрсаткичлар лойиҳани жорий этиш жараёнида ҳаққоний ҳолати ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш омиллари гуруҳини қиёслаш йўли билан ҳисобланади.

2-жадвал

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнлари, уларнинг иштирокчилари ва сифат хусусиятларининг мувофиқлиги⁹

Кўрсаткичлар	Лойиҳанинг бошланиши	Режалаштириш	Бажариш	Мониторинги ва назорати	Лойиҳани якунлаш
Интеграция	X1	X2	X3	X4, X5;	X6, X7
Манфаатдор томонлар	X8		X9		
Таркиб		X10, X11, X12			
Ресурслар	X14	X15, X16;	X17	X18, X19	
Муддатлар		X20, X21, X22		X23	
Нарх (баҳо)		X24, X25;			
Хавфлар		X27, X28;	X29	X30	
Сифат		X31	X32	X33	
Харидлар		X34	X35	X36	
Коммуникация		X37	X38	X39	

⁹ Муаллиф ишланмаси

Яъни инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнининг барча босқичлари учун мувофиқ келувчи сифат хусусиятлар (X_n) лойиҳаларни амалга ошириш жараёнидаги барча фазасига ёки қай даражада қўлланилаётганлигини белгилаб берувчи индикаторлар ҳисобланади.

3-жадвалда инновацион лойиҳалар жами 10 та сифат хусусиятига эга боғлиқ ўзгарувчилар ва жами 39 та мустақил ўзгарувчилардан иборат омиллар тизимини шакллантиради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш формула таклиф этилади. Жараён самарадорлигини баҳолаш формуласи:

$$J_i = a_1LB_{ij} + R_{ij} + B_{ij} + MN_{ij} + LY_{ij} \quad (1.5)$$

Инновацион жараёнларини баҳолаш бўйича танланган мезонларнинг ҳар бири инновацион лойиҳа самарадорлигига турли даражада таъсир кўрсатади деган мулоҳаза келтирилади ва салмоқ коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда (2.1) формула куйидаги тартибда ифодаланади:

$$J_i = a_1LB_{ij} + a_2R_{ij} + a_3B_{ij} + a_4MN_{ij} + a_5LY_{ij} \quad (1.6)$$

Салмоқ коэффициентлари ўрганилаётган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларида таъсир этувчи омиллар сонига кўра аниқланади (n -омиллар сони), бунда: Δ

$$n = \sum \Delta X_n = 39$$

Иккинчи формулага салмоқ коэффициентларини қўйиб, куйидагича ёзилади:

$$J_i = 0,076LB_{ij} + 0,410R_{ij} + 0,179B_{ij} + 0,308MN_{ij} + 0,051LY_{ij} \quad (1.7)$$

Келтирилган (1.7) формула инновацион лойиҳаларни танланган корхоналар бўйича баҳолаш имконини беради. Бу формула асосида инновацион лойиҳалар самарадорлигини экспертлар сўрови орқали аниқлаш ёки тегишли стандарт талабларига мувофиқ белгилаб олиш имконияти яратилади.

Юқоридаги формула асосида корхоналарнинг инновацион лойиҳалар самарадорлигини белгиловчи омилларнинг ҳар бир 3 та шкала бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ва амалга оширилган ишлар кўлами бўйича меъёрий (3 балл); меъёр даражасида эмас (2 балл); мавжуд эмас (1 балл) мувофиқ сингари баҳоланди.

Таҳлил учун 3 та корхона танланди ва уларнинг инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнидаги ҳужжатлари асосида «Biotact» МЧЖ, «GRAND PHARM GROUP» МЧЖ ва «ARTERIUM» МЧЖларнинг инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёни баҳоланган. Корхоналар томонидан инвестицион лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг энг юқори натижаси 117 балл ҳисобланади ва энг куйи чегараси 39 баллни ташкил этган.

Фармацевтика саноатида татбиқ этилган инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш натижаларидан маълум бўлдики, фаолияти таҳлил қилинган корхоналар бўйича инновацион лойиҳаларни қўллашдаги самарадорлик кўрсаткичи юқори эмас.

**Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёни самарадорлигини
баҳолаш натижалари¹⁰**

Инновацион лойиҳалар босқичлари	Белгилаш	Стандарт бўйича	“BIOTACT” МЧЖ	“GRAND PHARM GROUP” МЧЖ	“ARTERIUM” МЧЖ
Лойиҳани бошланиши	LB	0,6923	0,692	0,615	0,692
Лойиҳани режалаштириш	R	19,692	13,538	12,718	14,359
Лойиҳани бажариш	B	3,759	2,872	2,148	2,864
Лойиҳа мониторинги ва назорати	MN	11,08	7,077	7,692	7,385
Лойиҳани якунлаш	LY	0,1026	0,154	0,103	0,154
Жараён самарадорлиги	J	35,323	24,333	23,276	25,454
Фарқи, (+/-)			-10,990	-12,047	-9,869

“Biotact” МЧЖ ҳамда “Grand Pharm Group” МЧЖ томонидан лойиҳани бошланиши интеграцион жараёнлар, манфаатдор томонлар билан келишув ва ресурсларни режалаштиришда хатоликларга деярли йўл қўйилмаган. Бу борада “ARTERIUM” МЧЖ томонидан лойиҳа низоми тегишли талабларга жавоб бермаслик ҳолати аниқланди.

Фаолияти таҳлил қилинган корхоналарда лойиҳани режалаштириш жараёнларида кўплаб камчиликларга йўқ қўйилмоқда, айниқса нархни назорат қилиш, хавфларга нисбатан ҳаракат қилиш ва коммуникацияни режалаштиришда бошқарув жараёнларига эътибор қаратилмаган. «Biotact» МЧЖда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга ёрдам берувчи омиллар орасида сунъий интеллектга асосланган корпоратив электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланишни алоҳида таъкидлаш мумкин, чунончи у ҳам, бу жараёнда молиявий ёрдамчи бўлади. Бошқарув ҳужжатлари айланиши сезиларли даражада сушт тузилмалаштирилган ёки норасмий маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ.

Корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни бажариш жараёнларидаги асосий камчиликлар сифатида маълумотлар базаларини бошқариш билан боғлиқ хатоликларни қайд этиш мумкин. Шунингдек, лойиҳани бажариш жараёнларини бошқариш бошқа меъёрий нормаларга нисбатан барча корхоналарда паст коэффицентларини ташкил этмоқда. Таҳлил натижалари кўрсатдики, корхоналарда инновацион лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга энг долзарб вазифа сифатида эътибор қаратиш лозим.

«Biotact» МЧЖда 2015-2021 йиллардаги инновацион фаолиятнинг харажатлари таркиби 4-жадвалда келтирилган. Юқори малакали кадрлар «Biotact» МЧЖнинг энг муҳим ресурси ҳисобланади. Шу боис ишлаб чиқариш

¹⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида олинган натижалар

қувватларини модернизация қилиш ва рақамли иқтисодиётга ўтишда кадрлар тайёрлаш масалалари алоҳида ўрганилди.

